ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВИЛОЯТЛАРИДА 2001-2005 ЙИЛЛАРДА ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИШЛАР

Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович
Андижон давлат тиббиёт институти Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Мамлакатда 2001 йил «Оналар ва болалар йили» муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар аввалги Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йиллари бўйича ишлаб чиқилган дастурларга киритилган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Аввало, шуни айтиш керакки, бу дастурнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти одамларнинг, бутун жамиятнинг оила муаммоларига, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш масалаларига бўлган муносабати ва қарашлари тубдан ўзгариб бораётганида намоён бщлди. Биринчидан, дастурда мустаҳкам ва маънавий соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она ва оиланинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Иккинчидан, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг тиббий ва умумий маданияти, ўз саломатлигига, оила бахт-саодатининг асоси бўлган соғлом ҳаёт тарзига нисбатан эътибори кучайгани айниқса муҳим. Бунга турмуш қураётган минглаб ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояга олингани, яна шунча ёш оила «Никоҳ ва оила асослари» курсида тегишли маълумотга эга бўлгани ҳам ёрқин далил бўла олади.

Учинчидан, «Она ва бола» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида кўплаб янги масалалар ҳам ҳал этилди. Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, республиканинг барча минтақаларида «Она ва бола скрининги» каби янги тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда 580 мингдан ортиқ аёллар профилактик кўрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан бепул таъминлаш, тўрт ёшгача бўлган болаларни сариқ касалига ва полиомиелитга қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини берди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар хотин-қизлар, 20 мингдан ортиқ болалар ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Она ва бола» дастурига биноан, биринчи марта мамлакатнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

Тўртинчидан, оналар ва болаларга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасалари тизими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланганини ҳам таъкидлаш зарур. Буни, аввало, янгитдан қурилган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт иншоотлари мисолида кўрамиз. Масалан, Гулистон, Қува ва Наманган шаҳарларида барпо этилган реабилитация ва соғломлаштириш марказлари,

Нурота туманидаги туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманидаги «Она ва бола» санаторийси ҳамда бошқа кўпгина объектлар шулар жумласидандир[1].

Бу даврда мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар хорижий давлат лар ва халқаро ташкилот ва жамғармаларнинг эътиборини тортди. Жумладан, 2002 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 6-59 ойлик болаларнинг «А» витамини ҳолатини ўрганиш бўйича мамлакатнинг мева ва сабзавотлар кўп бўлган Фарғона вилоятида тадқиқот ўтказди.

Тадқиқот натижасига кўра вилоятдаги болаларнинг 53 фоизда темир танқислиги ва 37 фоизида камқонликнинг юқори маълум бўлган. Шунингдек, вилоятдаги болаларнинг 9 фоизида «А» витаминининг оғир танқислиги аниқланди, бу вилоятда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан мева ва сабзавотларга бой бўлишига қарамай, 44 фоизи ўртача даражада «А» витамини етишмаслигини кўрсатган[2].

2003 йилда Наманган вилоятда 13 та оналар ўлими қайд этилган бўлиб, бу Наманган шаҳрида 8 та, Мингбулоқ, Наманган, Чортоқ, Поп ва Чуст туманларида 1 таданни ташкил этган. Вилоят бўйича 1 ёшгача бўлган болалар ўлими 612 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич Наманган шаҳри, Наманган, Чуст, Норин, Поп, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. Шунингдек, вилоятда болалар ўлими кўрсаткичи камайганлигига қарамай Янгиқўрғон, Чуст, Мингбулоқ, Поп ва Норин туманларида ортганлиги кўзатилган[3].

Фарғона вилоятида бу даврда «Оналик ва болалик»ни муҳофаза қилиш бўйича фертил ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш йўли билан репродуктив саломатлиги яхшиланган. Йил давомида жаъми 690 минг 186 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 674 минг 953 нафари, ёки, 97,8 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 491 минг 334 нафари, ёки 72,8 фоизида турли хил экстрогенитал касалликлар аниқланган. Беморларнинг 8,2 фоизи яъни 40 минг 466 нафарида ҳомиладорликка мутлоқ монелик билан, 70,4 фоизи, ёки, 346 минг 130 нафарида ҳомиладорликка нисбий монелик борлиги аниқланиб диспансер ҳисобига олинган.

Шу давр мобайнида 429 минг 554 нафар, 87,4 фоиз аёл соғломлаштирилган. Шундан, 371 минг 905 нафари амбулатория ва поликлиника муассасаларида, 57 минг 649 нафари эса шифохона шароитида шифо топган. Лекин, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларни соғломлаштириш ишлари сифати талаб даражасида бўлмаган. Масалан, ҳомиладорликка мутлоқ монелик билан вилоят бўйича 8,2 фоиз аёллар диспансер ҳисобига олинган бўлса, бу кўрсаткич Бешариқ, Бувайда, Ўзбекистон, Сўх, Риштон, туманларида ўртача 5,8 фоизни ташкил этган холос.

Шунингдек, ҳомиладор бўлгунига қадар аёлларнинг 4,9 фоиз да буйрак касалликлар аниқланган бўлса, вилоят бўйича ҳомиладорлик даврида 3,5 фоиз аёлларда буйрак касалликлари келиб чиққан. Бу кўрсаткич вилоятда 3,5 фоиз бўлган ҳолда, Фарғона, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида, Қува, Риштон ва Фурқат туманларида ўртача 6,3 фоизни, ташкил қилишлиги, ушбу шаҳар ва туманларда аёлларнинг тиббий кўригига тўлиқ эътибор берилмаганлигини кўрсатади.

Натижада вилоят бўйича асоратли туғруқларни салмоғи 19,0 фоизни ташкил этган. Туғруқлар динамикасида вилоят бўйича тирик туғилганлар салмоғи 3,4 фоиз, яъни 1 минг 831 нафарга камайган бўлса, бу кўрсаткич Қўқон шаҳри, Сўх, Ўзбекистон, Боғдод, Бувайда, Данғара, Фурқат, Охунбобоев, Олтиариқ туманларида туғилиш кўрсаткичи

[1] Каримов. И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. –Б. 192
[2] Uzbekistan Health Examination Survey 2002. P. 192
[3] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 641- йиғмажилд, 94-варақ

юқорилигича қолган. Туғилиш кўрсаткичи вилоятда 18,7 фоизни ташкил этган ҳолда, Бешариқ, Бувайда, Боғдод, Сўх, Охунбобоев ва Учкўприк туманларида ўртача 21,7 фоизга тўғри келиб, вилоят кўрсаткичидан анча юқори бўлган. Бу албатта ушбу шаҳар ва туманларда 2004 йилда исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар тузилиб, муаян ижобий ишларни амалга ошириш лозим эканлигини тақазо этган.

Вилоят туғруқ уйи ва Қўқон шаҳар туғруқ комплекслари қошида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» вилоят ўқув услубий марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Қўқон шаҳар репродуктив саломатлик марказида беморларни қабул қилиш учун мутахассислар ажаратилган ва УЗИ аппарати билан таъминланган.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2002 йил 26 августдаги 154-сонли буйруғига асосан барча шаҳар ва туманларда «Репродуктив саломатлик» хоналари ташкил этилиши лозим эди, лекин, ушбу ишлар номаълум сабабларга кўра айрим шаҳар ва туманларда тўлиқ бажарилмаган. Масалан, Ўзбекистон, Қува, Сўх туманлари ва Қувасой шаҳрида «Репродуктив саломатлик» хонаси ташкил қилинмаган. Қува, Фурқат ва Олтиариқ туманларда хоналар ташкил қилинган бўлса-да, лекин, талаб даражасида бўлмаган.

Скрининг маркази томонидан оналардаги туғма нуқсон ҳолатларини эрта аниқлаб, ҳомиладорликни тўхтатиш, ҳамда чақалоқлардаги наслий касалликларни эрта аниқлаш мақсадида неонатал скрининг текширув учун қон олиниб таҳлил қилиш йўлга қўйилган. 2003 йил давомида 43 минг 882 нафар ҳомиладор аёллар УТТдан ўтказилиб, 238 нафар аёлда ҳомиланинг нуқсонли риивожланиши аниқланиб, уларнинг 177 нафарида ҳомиладорлик ҳолати тиббий кўрсатма билан тўхтатилган. Ҳомиладор аёлларни ултра товушли текширувдан ўтказиш сифати Данғара, Учкўприк, Тошлоқ, Сўх туманларида ҳамда Марғилон, Қувасой ва Фарғона шаҳарларида талаб даражасида бўлмаган. Топилган туғма нуқсонлик ҳомиладорликни тўхтатиш бўйича ҳам етарли даражада ишлар амалга оширилмаган.

Масалан, нуқсонли ҳомиладорликдан Охунбобоев туманида топилган 9 тадан 3 тасини, Боғдод туманида топилган 22 тадан 5 тасини, Бувайда туманида топилган 12 тадан 4 тасини, Фурқат туманида топилган 25 тадан 13 тасини ўз вақтида тўхтатиш чора-тадбирлари белгиланмаган. Вилоят бўйича 2003 йил давомида 292 нафар туғма нуқсон билан чақалоқлар туғилган бўлса, бу жами туғилган болаларга нисбатан 0,5 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич Қўқон шаҳри, Бешариқ, Бувайда, Боғдод, Охунбобоев ва Риштон туманларида ўртача 1,1 фоизни ташкил этиб вилоят кўрсаткичидан анча юқори бўлган. Бундан ташқари ушбу туманларда ҳомиладорлик даврида туғма нуқсонларни аниқлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Йил давомида жами 52 минг 495 нафар туғилган чақалоқ рўйхатга олинган. Ҳар 100 аҳолига туғилиш кўрсатгичи 18,7 нафарни ташкил қилган. Бази туманларда ушбу кўрсатгич вилоят кўрсатгичидан юқори. Масалан, Бувайда, Боғдод, Сўх, Охунбобоев ва Учкўприк туманларида ўртача 21,9 нафарга тўғри келган. Ушбу кўрсатгич Фарғона, Марғилон, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида ўртача 15,9 нафарга тўғри келиб, вилоят кўрсаткичидан паст эди[4].

Наманган вилояти бўйича 2005 йилда туғиш ёшидаги аёллар 531 минг 17 нафарни ташкил қилган. Шундан 526 минг 711 нафари тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 391 минг 387 нафарида экстрагенитал касалликлар аниқланиб, 325 минг 596 нафари соғломлаштирилди. Соғлиғи тикланганларнинг 42 минг 165 нафари шифохоналарда, 283 минг 431 нафари амбулаторияларда даволанган. Бу даврда вилоятда 10 та оналар ўлими

[4] Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари. Муаллиф томонидан қайта ишланган.

ходисаси қайд қилинган бўлса, 1 ёшгача ўлган болалар сони 343 нафар бўлиб, ҳар 1 минг нафар тирик туғилганларга нисбатан болалар ўлимии кўрсаткичи 12,8 ни ташкил қилди[5].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкунки водий вилоятларида бу даврда оналик ва болаликни мухофаза қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Олдинлари мавжуд бўлган ҳомиладорлик ва туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, туғруқхоналар, «Она ва бола» соғломлаштириш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби жиддий муаммоларга ижобий ечим топилди. Бу соҳада эришилган натижа ва ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилиб, «Соғлом авлод» Давлат дастури доирасида кўзда тутилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар амалга оширилди.

[5] НВДА, 908-фонд, 1-рўйхат, 737- йиғмажилд, 3-варақ